

**PICTURES OF A STONE PORCH**

**I. M. Qurbanbayev**  
Samarkand State University  
Samarkand Uzbekistan

**ABOUT ARTICLE**

**Key words:** Koratepa mountain range, Taloqopgan, Mesolithic, Neolithic, primitive bull, human, geometric sign, handprint, natural pigment (ochre).

**Received:** 25.05.25

**Accepted:** 27.05.25

**Published:** 29.05.25

**Abstract:** This article is dedicated to the study of newly discovered rock paintings in the Taloqopgan rock shelter, located in the Koratepa mountain range of the Zarafshan mountain system. These images are considered cultural heritage monuments that reflect the spiritual, religious life and artistic expressions of our ancient ancestors. It has been determined that these rock paintings date back to the Stone Age, specifically the Mesolithic and Neolithic periods. The paintings were created by members of ancient hunter communities using natural pigments (ochre). The rock shelter depicts various scenes from ancient times, mostly related to the religious life of the communities that once inhabited this area.

**ТАЛОҚЁПГАН ТОШ АЙВОНИ ТАСВИРЛАРИ**

**И. М. Қурбонбоев**  
Самарқанд давлат университети  
Самарқандб Ўзбекистон

**МАҚОЛА ҲАҚИДА**

**Калит сўзлар:** Қоратепа тоғ массиви, Талоқёпган, мезолит, неолит, ибтидой буқа, одам, геометрик белги, панжа, табиий бўёқ (охра).

**Аннотация:** Ушбу мақола Зарафшон тоғ тизмаси Қоратепа тоғ массивида жойлашган Талоқёпган тош айвони янги қоятош расмлари тадқиқотига бағишиланган. Бу тасвиirlар қадимги аждодларимиз маънавий, диний ҳаёти ва санъат намуналарини ўзида акс эттирган маданий мерос ёдгорлиги ҳисобланади. Улар инсоният тарихий тараққиёт босқичининг тош давларига оид эканлиги аниқланди. Бу қоятош расмлари қадимги

овчи жамоалари вакиллари томонидан табиий бўёқ (охра) ёрдамида ишланган. Бу тош айвончада қадимги дарга оид турли сюжетлар тасвириланган бўлиб, улар мана шу ҳудудларда яшаган жамоа вакилларининг асосан диний ҳаёти билан боғлиқ эканлигини кўришимиз мумкин.

## ФОТОГРАФИИ КАМЕННОГО КРЫЛЬЦА

**I. M. Курбанбаев**

Самаркандский государственный университет  
Самарканд Узбекистан

### О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:** горный массив Коратепа, Талокёпган, мезолит, неолит, первобытный бык, геометрический знак, природная краска (охра).


**Аннотация:** Данная статья посвящена новому исследованию наскальных изображений в гроте Талокёпган, расположенному в горном массиве Коратепа Зеравшанской горной системы. Эти изображения являются памятником культурного наследия, отражающим духовную, религиозную жизнь и художественные образцы древних предков. Установлено, что наскальные рисунки относятся к каменному веку — эпохам мезолита и неолита. Изображения были выполнены представителями древних охотничьих общин с использованием природной краски (охры). В этом гроте изображены различные сюжеты, относящиеся к древним временам, и они в основном связаны с религиозной жизнью общин, населявших эти территории.

**Кириш.** Ибтидоий санъат намуналари (петроглиф) географик жиҳатдан Антарктидадан ташқари дунёнинг барча қитъаларида кенг тарқалган бўлиб, энг қадимги расмлар ибтидоий одамлар томонидан ўзлаштирилган қадимги ғор, унгур, тош айвонлар девор ва шифтларида, турли қоятош сатҳларида яхши сақланиб қолган. Ибтидоий санъат қадимги одамларнинг атрофдаги воқелик ҳақидаги илк ғояларини ўзида акс эттирган. Мана шунинг шарофати билан табиат ҳақидаги бебаҳо билим ва кўнилмалар сақланиб, кейинги авлодларга етиб келган ва одамлар теварак олам, табиат сир-синоатларини ўрганиш имконига эга бўлди. Ибтидоий давр маънавий маданиятида, диний эътиқодида қоятош расмлари санъати муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Шу нуқтай низардан Ўзбекистон тоғ ва тоғ олди ҳудудларида кенг тарқалган тарихий-маданий ёдгорликлар сирасига киравчи қоятош расмларни ўтмиш аждодлар томонидан бизга мерос қолдирилган «Очиқ осмон остидаги музей» деб айтсан, муболага

бўлмайди. Улар қўхна маданиятимизнинг жонли гувоҳлари бўлиб, ўз мазмун, моҳияти билан мазкур худудда яшаган ибтидоий кишилар, қабила ва элатлар маданий ва маънавий ҳаёти, эстетик ва диний қарашлари, санъати, хўжалиги ва иқтисодий турмуши тарихини ўрганишда минг йиллардан буён она ер бағрида сақланиб келаётган тарихий манбалардан биридир.

Бу қоятош расмлари соҳа мутахассислари томонидан дунёнинг турли худудларида узоқ йиллардан буён тадқиқ этиб келинмоқда. Хусусан, шундай ёдгорликлардан бири Талоқёпган тош айвони қоятош расмлари Қоратепа тоғ массиви бел қисмида Талоқёпган тош айвончаси деворларига табиий бўёқ (оҳра) ёрдамида ишланган бўлиб, бу ёдгорлик Самарқанд вилояти Нуробод тумани ҳудудидаги Аназрат қишлоғидан 1 км шимолда денгиз сатҳидан 1144 м баландликда жойлашган (1-расм). Бу тош айвони деворларига ишланган расмларнинг қўпчилиги минг йиллар мобайнидаги табиат ҳодисалари (қор, ёмғир, шамол, иссиқ, совук) таъсирида ўзининг асл ҳолатини йўқотиб, бўёқлари



1-расм. Талоқёпган тош айвони жойлашув ўрни.

ўчиб ноаниқ-хира кўринишга келган ёки тошнинг устки қисмининг дарз кетиши натижасида бузилиб, уларнинг айримларида чизилган расмларнинг баъзи парчаларигина сақланиб қолган бўлса, айримларининг анчайин яхши сақланганлиги ҳолатини кузатиш мумкин. Бу ёдгорликдаги тош айвончада сақланиб қолган расмлар тўқ қизил, қизил ва оч қизил, сарғиш, тўқ жигарранг рангларда ишланган. Улар қадимги рассомлар томонидан бу тош айвончанинг асосан деворига чизилган. Ундаги расмлар сюjetи жуда хилма-хил бўлиб, уларда ибтидоий буқа, одам, тоғ эчкиси, мушуксимонлар оиласига мансуб йиртқич

ва бир қанча турли космагоник тасвиirlар, нақшсимон белгилар, айлана шаклдаги спиралсимон белги, панжа ва бошқа шу каби күплас хилма-хил белгилар ҳамда бир қанча бузилган, ўчиб кетган ва ноаник-хира тасвиirlар учрайди (2-расм).



2-расм. Талоқёпган тош айвони тасвиirlарининг умумий қўриниши.

Бу ердаги расмларнинг сақланиш даражаси анча ёмон ҳолатда бўлишига сабаб, тош айвончанинг соябон қисми бироз калта ва олд қисми очик бўлғанлиги учун табиат ҳодисалари (ёмғир, қор, шамол) нинг таъсири кучли бўлган. Тадқиқотлар жараёнида бу тош айвон деворларида жами 30 га яқин расмлар борлиги аниқланди (1-жадвал).

		1-жадвал
№	Асосий сюжетлар.	Сони
<b>I</b>	<b>Одам тасвиirlари.</b>	
1	Одам тасвири (алоҳида ёки бирор композицион манзарада)	9
2	Диний маросимлар ижроси (рақс саҳнаси) да	1
<b>II</b>	<b>Ёввойи ўтхўр ҳайвонлар.</b>	
3	Ёввойи бука (тур)	3
4	Тоғ эчкиси ?	1
<b>II б.</b>	<b>Ёввойи йиртқич ҳайвонлар.</b>	
5	Гепард ёки леопард	2
<b>III</b>	<b>Турли геометрик шаклдаги белги тасвиirlари</b>	
6	Спиралсимон айлана	5
7	Бурчаксимон белги	5
8	Ярим ойсимон белги	2

<b>IV</b>	<b>Бошқа турли тасвиirlар</b>	
9	Құл панжаси	3
10	Абстракт тасвиirlар	2
11	Чала қолған ёки бузилған тасвиirlар	12
12	Ноаниқ-хира тасвиirlар	11
	<b>ЖАМИ:</b>	<b>56</b>

Талоқёпгапн тош айвонида қадимги рассомлар томонидан ишланған ибтидой хұқиз тасвиirlари асосий персанажлардан бири бўлиб, бунда ибтидой хұқиз вазмин танали, калта бўйинли, думи узун ва учи попукли, оёқлари бақувват қўринишда, улардан пастда эса битта инсон қўл панжаси тасвири турли геометрик белгилар ва бошқа униқиб ўчган тушунарсиз ҳолга келиб қолған тасвиirlар мавжуд.

Агар ибтидой хұқиз (тур) лар яшаган тарихий географик ўлкаларга назар ташлайдиган бўлсак, улар деярли бутун Европа, Шимолий Африка, Кичик Осиё, Ўрта Осиё, Олтой, Кавказ ва Ҳиндистон худудларида кенг тарқалғанлиги археологик ва ёзма маълумотлардан бизга маълумдир. Масалан; бу ёввойи ҳайвон тури Африка худудларида мил.авв. 3 минг йилликларда, Кичик Осиёда эса мил.авв. 600 йилларда йўқ қилинганд. Бизга маълумки, инсоният тарихий тараққиётининг турли даврларига хусусан, палеолит, мезолит, неолит ва бронза даврига оид дунёning кўпгина худудларидағи ғор, унгурулар девор ва шифтларига табиий бўёқ (охра) ёрдамида ибтидой хұқиз ва у билан боғлиқ композицион тасвиirlар ишланған [Формозов, 1966.С.25-29]. Демак, ибтидой хұқиз қадимдан овчи жамоаларнинг асосий ов объектларидан бири балки, анъанавий маданияти билан боғлиқ бўлғанлигини кўриш мумкин. Шу жиҳатдан, тадқиқотчи олим М.Ф. Альбедиль ибтидой буқа ва буйвол рамзини анъанавий ҳинд маданиятида кенг тарқалған тасвиirlардан бири сифатида аҳамиятини кўрсатишга ҳаракат қилиб, бу ёввойи ҳайвон рамзлари уларнинг қадимги мифологияси ва маросимларида, халқ оғзаки ижодида, диний белгилар тизимида, санъати ва кундалик ҳаётида кўп учрашини таъкидлаган. Тадқиқотнинг қизиқ томони шундаки, бу тасвирининг рамзийлиги Ҳиндистонда яшовчи халқларнинг этник хусусиятларини эмас, балки уларнинг жамияти ривожланишининг босқичма-босқич хусусиятларини, иқтисодий ва маданий типининг хусусиятларини акс эттиришини айтиб, ушбу ибтидой буқа рамзининг шаклланиши ва ривожланишидаги асосий босқичларни очиб беришга ҳаракат қилган. Соҳа мутахассисларининг тадқиқотларида буқа рамзи ибтидой даврда пайдо бўлган ва қадимги овчилар учун бу ёввойи ҳайвонлар теварак табиат билан уйғун ҳолда тасаввур қилинганд [Альбедиль, 2016. С. 54-65].

Тадқиқотчи О.М. Фрейденбергнинг маълумотларига кўра инсон билан ҳайвон ўртасидаги мураккаб муносабатлар, қарама-қаршилик ва ҳамкорлик жамият мафкурасининг асосий элементларидан бири эканлиги айтиб ўтилган. Ёввойи ҳайвонот

олами инсонга нафақат яқин бўлган, балки унинг ўз ҳаёти учун курашиш стратегиясини белгилашда аҳамиятли бўлган. Ҳайвонот дунёси инсоннинг мифологик дунёқарашини шаклланишида, шу жумладан диний тасаввурларида: маросимларда ҳайвонларнинг ҳаракатларига тақлид килишган.

Юқорида ўрганилган ёдгорликлар тош айвонларда одам, ибтидоий ёввойи ҳайвонлар ва геометрик белги тасвирларининг бирга учраши муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Чунки, соҳа мутахассисларининг фикрича ибтидоий одамлар палеолит даврида ўзларини ўраб турган теварак атрофидаги жонли табиатни ҳаққоний тасвирлаган бўлиб, палеолит даврининг охири ва мезолит давридан бошлаб, улар жонли табиат билан биргаликда турли геометрик шаклли белгиларни (тўртбурчаклар, доиралар, спираллар, нақшсимон белгилар, нуқталар, чизиқчалар) ни ҳам акс эттира бошлаган. Шу боисдан, биз ўрганган бу ёдгорликлар тасвирларини хронологик жиҳатдан инсоният тарихий тараққиётининг мезолит ва неолит даврларига оид эканлигини айтишимиз имконини беради.

Шу билан бирга бу тасвирларга ўхшаш тасвирлар мутахассислар томонидан республикамиз худудидаги Зараутсой [Рогинская, 1950. С. 25-29], Сийпантос [Сулейманов. 2002. С. 71], Сангижумонсой [Хужаназаров, 1992. С. 153-154], Оқсоқолотасой тош айвонларида ҳам ўрганилган ва улар ҳам кишилик тарихий тараққиётининг мезолит, неолит даврлари билан саналаштирилган. Шунингдек, бу зиг-заг (тўлқинсимон) ва ромб шаклидаги белгиларнинг даврий санасини билишимизда, республикамиз ва унга қўшни худудлардаги Жойтун маданиятига тегишли ёдгорликларда ва Даشتли-тепа ёдгорликларида амалга оширилган археологик қазишмалар жараёнида топилган мил.авв. VI-IV минг йилликларга оид сопол идишлар сиртига ишланган шу каби тасвирларнинг мавжудлиги аҳамиятлиdir.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Бугунги қунда бутунжаҳон миқёсидаги муаммолар ичida тарихий-маданий мерос объектларини асраш ва келажак авлодга етказиб бериш энг долзарб масалалардан бири бўлмоқда. Шу нуқтайй назардан, маданий мерос намуналарини ўзида мужассам этган қоятош расмлари ёдгорликлари инсоният тарихи турли босқичлари қадимги овчи ва кўчманчи дашт чорвадор аҳолиси маънавий ҳаёти, диний эътиқоди, санъати, хўжалик машғулотлари, кунлик турмуш тарзи, ижтимоий тузуми, ҳамда этномаданий муаммоларини тадқиқ этишда бирламчи манба сифатида аҳамиятлиdir. Шу боисдан қоятош расмлари қадимги овчи ва кўчманчи чорвадор халқларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, дунё ҳақидаги тасаввурлари ҳамда диний тушунчаларини тиклаш имконини яратади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.**

1. Альбедиль М.Ф. Бык: символика образа в традиционной индийской культуре // Археология Центральной Азии: архивные материалы. Том III, 2016. С. 54-65
2. Рогинская. А. Зараут-сай. - М.- Л., 1950. С. 25-29.
3. Сулейманов Р.Х. Сийпанташ – новый памятник первобытного искусства в долине Кашкадарья // Цивилизации Центральной Азии: земледельцы и скотоводы; традиции и современность. Тезисы докладов международной научной конференции. Самарканд. 2002. С. 71.
4. Формозов А. А. О наскальных изображениях Зараут-Камара в ущелье Зараут-сай. – СА, №4, 1966.С.25-29.
5. Хужаназаров М.М. Наскальные рисунки Сангижумансая. // «Средняя Азия и Мировая Цивилизация» тезисы докладов, Международная конференция//. – Тошкент, 1992. – С. 153-154.